



## Stages of development of international labor standards in the era of globalization

Nodirbek YUSUPOV<sup>1</sup>

Tashkent State University of Law

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received July 2023  
Received in revised form  
15 July 2023  
Accepted 25 July 2023  
Available online  
15 August 2023

**Keywords:**

globalization,  
problems of globalization  
and international labor  
organization.

### ABSTRACT

In this article, the role of the International Labor Organization in finding solutions to the problems that arise in the era of globalization. The history of the development of the International Labor Organization and its role in the Republic of Uzbekistan are highlighted.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss6/S-pp407-410>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Глобаллашув даврида ҳалқаро меҳнат стандартларини ривожланиш босқичлари

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

глобаллашув,  
глобаллашувда келиб  
чиқадиган муаммолар,  
ҳалқаро меҳнат  
ташқилоти.

Ушбу мақолада глобаллашув даврида юзага келадиган муаммоларга ечим топишда ҳалқаро меҳнат ташқилотининг аҳамияти, ҳалқаро меҳнат ташқилотининг ривожланиш тарихи ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги ўрни ёритиб берилган.

## Этапы развития международных трудовых норм в эпоху глобализации

### АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

глобализация,  
проблемы,  
вызванные  
глобализацией,  
международная  
организация труда.

Данная статья посвящена роли Международной организации труда в поиске решений проблем, возникающих в эпоху глобализации. В ней рассмотрены история развития Международной организации труда и ее важная роль в контексте Республики Узбекистан.

<sup>1</sup> Lecturer, Department of Labor Law, Tashkent State University of Law. E-mail: nadir.3341426@gmail.com

Бугунги кунда глобаллашув шароитида дунё мамлакатлари барча соҳаларда, барқарор тараққиёт йўлида ўзларининг ўринларига эга бўлиб бормоқда. Албатта бунда ҳар бир давлатнинг табиий ва иқтисодий омиллари билан бирга инсон омили, жумладан, ёш авлодларни тарбиялаш, шарт-шароитлар яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожига салоҳиятли ёшларнинг алоҳида ўрни бор [1].

Глобаллашув давлатлар ва халқаро муносабаларнинг янги қарашларига сабабчи бўлмоқда, халқаро ҳуқуқда анъанавий кўринадиган ғоялар, тушунчалар ва нормаларнинг қайтадан ўрганиш ва ривожлантириш давр талабига айланмоқда. Давлатлар, давлатлараро бирлашмалар фаолиятини ўзгартириш бутун тизим билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш умумий қабул қилинган тамойиллар ва нормалар ўрганишдан аввал глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш лозим деб уйлаймиз [2. С. 127–128].

Глобаллашув даврида келиб чиқадиган муаммоларга ечим топишда давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўрни жуда катта. Аввалари давлатлар келиб чиққан муаммоларни икки томонлама қабул қилинган шартнома орқали ҳал қилишган бўлишса, ҳозирги вақтда буни икки томонлама шартнома билан ҳал қилиш имкони йуқ.

Глобаллашув даврида келиб чиқадиган муаммоларга ечим топишда халқаро ташкилотларнинг ўрни жуда катта. Ушбу халқаро ташкилотларга БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа Иттифоқи, МДҲ давлатлари ва бошқалар киради [3. С. 135].

Иқтисодий инқироз даврида халқаро меҳнат нормаларини ўрганиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Глобал инқироз ҳозирги вақтда бутун дунё муаммоси саналиб, халқаро меҳнат меъёрлари Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт каби Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган бир қатор халқаро ҳужжатларнинг узвий қисмидир.

БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти), НАТО, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби кенг имкониятларга эга нуфузли бошқарув тизимлари дунёнинг у ёки бу минтақасида содир бўлаётган ўзгаришларда бевосита ёки билвосита иштирок этмоқда. Жаҳон миқёсидаги муаммолар глобаллашув жараёнида бир томонлама ҳал этилиши даражасидан аллақачон юқорилаб кетди. Ҳеч ким, ҳеч бир давлат масалаларга бир томонлама ёндаша олмайди. Илғор, замонавий технологиялар асосида ишлаётган техник қурилмалар инсон онги маҳсули сифатида Ер шарини, фазони, атроф-оламни тўлиқ назорат остида ушлаш имкониятларига эришмоқда. Ўтган асрларда воқеа-ҳодисалар ўтмиш сифатида тарихдан жой олди. Янги фикр, янги онг келажак сари янги кўринишда дадил қадам қўймоқда.

Халқаро меҳнат меъёрларини белгилашда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсиялари алоҳида аҳамиятга эга. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, у ижтимоий адолат тамойилларини, халқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни илгари суришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 1919 йилда ташкил топган ХМТ 1946 йилда БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослаштирилган муассаса бўлди [4].

Бугунги кунда халқаро меҳнат муносабатларида ривожланаётган асосий йўналиш – бу муносиб меҳнатни рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг 182 та мамлакати ХМТга аъзо бўлиб, 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси ҳам унинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон ХМТнинг 13 та Конвенциясини (шу жумладан, 8 та асос солувчи Конвенцияларнинг 7 тасини) ратификация қилди.

Ҳозирги глобаллашув даврида дунё миқёсида қишлоқлардан шаҳарларга миграция кўпроқ кузатилмоқда. 2010 йилда бутун дунёда 53,6 млн норасмий кўринишдаги уй хизматчилари бўлган бўлса, уларнинг 83 фоизини аёллар ташкил этган, уларнинг ярмида иш вақти, айниқса ҳафталик иш вақтининг чегараси белгиланмаган, 5 тадан 2 таси ҳаттоки минимал иш ҳақини олишдан, 3 тадан 1 таси туғруқ таътилини олиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрумдир.

Ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар 3 гуруҳга бўлинади:

а) ташқи ишчи кучи миграциясини махсус миллий хизматлар ва тегишли вазирликлар воситасида фақат давлат бошқарувидаги мамлакатлар;

в) ишчи кучини ёллашда асосий ўринда хусусий агентликлар фаолият кўрсатувчи мамлакатлар;

с) ташкил қилишнинг ҳар иккала усулидан фойдаланувчи мамлакатлар [5].

Глобаллашув асосан халқаро ва минтақавий ташқи иқтисодий бошқарувга таъсир қилади, бу жараён нафақат иқтисодий муаммоларни, балки ҳал этиш зарур бўлган қашшоқликка қарши кураш, озиқ-овқат билан таъминлаш каби ижтимоий хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби муаммоларга ҳам дуч келмоқда [6].

Хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, Англияда 1802 йилда 7 ёшли болаларнинг иш куни 12 соат этиб белгиланган. 1833 йилда 13 ёшгача бўлган болаларнинг иш куни кунига 8 соат билан чекланди ва 1842 йилда аёллар ва 10 ёшгача бўлган болаларни ерости ишларига жалб қилиш тақиқланди.

1875 йилда касаба уюшмаларига ишчиларнинг судда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иш берувчининг ўрнига вакил сифатида келиш ҳуқуқлари берилган.

Францияда 1841 йилда инқилобдан сўнг болалар ва ўсмирлар учун иш вақтига чекловлар киритилган, 1848 йилда барча ишчилар учун иш куни 10-11 соат этиб белгиланган. 1900 йилда аёллар ва болалар учун иш куни 10 соат этиб белгиланди. XIX аср охири XX аср бошларида Австралияда 14 ёшгача бўлган болалар меҳнати тақиқланган ва шанба-якшанба кунлари дам олиш куни этиб белгиланган [7].

Меҳнат соҳасида келиб чиқадиган муаммоларга ечим топишда Халқаро меҳнат ташкилотининг пайдо бўлиши барча давлатлар учун жуда катта аҳамият касб этди. Меҳнат ҳуқуқини тартибга солиш ва давлатларга максимал даражада ёрдам бериш мақсадида ХМТ томонидан кўплаб маърузалар, семинарлар ва конференциялар ўтказилган.

Ундан ташқари, ҳар бир муаммога оид Конвенциялар ҳам ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунгача ушбу Ташкилотнинг 14 та конвенциясини ратификация қилди, хусусан:

- Мажбурий Меҳнат тўғрисида Конвенция (С29) – 13.07.1992 й.;
- Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги Конвенция (С47)-13.07.1992 й.;
- Байрам кунларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Конвенция (С52)- 13.07.1992 й.;
- Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция (С87) – 17.06.1948 й.;

- Бирлашиш эркинлиги тўғрисидаги Конвенция (C98) – 13.07.1992 й.;
- Бажарилган меҳнат учун бир хил маош тўлаш тўғрисидаги Конвенция (C100) – 13.07.1992 й.;
- Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция (C103) – 13.07.1992 й.;
- Мажбурий меҳнатни йўқотиш тўғрисидаги Конвенция (C105) 15.12.1997 й.;
- Дискриминация тўғрисидаги Конвенция (C111) – 13.07.1992 й.;
- Бандлик сиёсати тўғрисидаги Конвенция (C122) – 13.07.1992 й.;
- Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги Конвенция (C135) – 15.12.1997 й.;
- Жамоа шартномалари тўғрисидаги Конвенция (C154)- 15.12.1997 й.;
- Ишга олишда минимал ёш тўғрисидаги Конвенция (C138) – 03.2008 й.;
- Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва зудлик билан чоралар кўриш тўғрисидаги Конвенция (C182) – 03.2008 й.

Юқоридагиларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги вақтда халқаро меҳнат стандартларини ишлаб чиқиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Дискриминацияга йўл қўймаслик;
- Болалар меҳнати ортидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш;
- Ногиронларни реабилитация қилиш ортидан келиб чиқадиган муаммолар;
- Меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳал қилишдаги муаммолар;
- Халқаро меҳнат стандартлари ривожланишининг асосий йўналиши муносиб меҳнат шароитини яратиш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Шундай қилиб, глобаллашув даврида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш фақат ҳуқуқий воситалар асосида ҳал бўлади ва албатта халқаро меҳнат стандартлари, икки томонлама, кўп томонлама давлатлар ўртасидаги меҳнат муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги битимлар, шунингдек, универсал ва минтақавий шартномаларга асосланади.

### **ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. “Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзусидаги онлайн халқаро ёшлар илмий-амалий ва назарий конференцияси мақолалар тўплами – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. – 163 б.

2. Кузьмин Э.Л. Международное право на распутье // Международная жизнь. 2007. № 7–8.

3. Самхарадзе Д.Г. Роль международных организаций в современных международных отношениях // Международное публичное и частное право. 2007. № 2 (35).

4. Словарь иностранных слов. 15-е изд., испр. М., 1988.

5. Толаметова Зилола Абдужабборовна. Глобаллашув жараёнида меҳнат миграцияси жараёни ва уни тартибга солишнинг йўналишлари // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2016. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/globalashuv-zharayonida-me-nat-migratsiyasi-zharayoni-va-uni-tartibga-solishning-y-nalishlari> (дата обращения: 05.08.2023).

6. Черниловский З.М. Всеобщая истории государства и права (история государства и права зарубежных стран): Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. М., 1983.

7. Лушников А.М., Лушникова М.В. Курс трудового права: в 2 т. Т. 1: Историко-правовое введение. Общая часть. Коллективное трудовое право: Учебник. М., 2003.